$$l = 3,6 \cdot q \cdot t \cdot 10000 / m \cdot a. \quad (15)$$

Иккита l ва t номаълумни топиш учун β шимилиш майдони бўйича $K_{\text{ўр}}$ ўртача шимилиш тезлиги билан t вақт ичида шимилиши керак бўлган эгатнинг 1 метр узунлигига берилган $m \cdot a \cdot l / 10000$ сув ҳажмидан келиб чиқиб иккинчи тенглама тузилади, яъни.

$$m \cdot a \cdot l / 10000 = K_{\text{ўр}} \cdot t \cdot \beta \quad (16)$$

Ушбу формулага $K_{\text{ўр}} = K_0 / t^{1-a}$ қийматни қўйган ҳолда қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$m \cdot a \cdot l / 10000 = K_0 / t^{1-a} \cdot t \cdot \beta = K_0 \cdot \beta \cdot t^{1-a} \quad (17)$$

Бу ердан

$$t = [m \cdot a / 10000 \cdot K_0 \cdot \beta]^{2/(1-n)} \quad (18)$$

$$\beta = \lambda \cdot h \quad (19)$$

$$\sqrt{1 + \alpha^2} \cdot h$$

бу ерда λ -эгатнинг ён деворларига сувнинг ёнлама шимилишини ҳисобга олувчи коэффициент (енгил тупроқлар учун-1,5, оғир тупроқлар учун-2,5).

Олинган қийматни t эгат узунлигини l ҳисоблаш учун ишлатади. Ҳисобланган эгат узунлигини суғориш даласи узунлиги L қийматигача қолдиқсиз яхлитлайди.

Суғоришни тўғри ташкил этишда дала узунлиги бўйича чиқариш эгатларининг сони аниқланади:

$$N_1 = L / l \quad (20)$$

Суғориш даласидаги барча суғориш эгатларининг умумий сони:

$$N_2 = N_1 \cdot B/a \quad (21)$$

Суғориш даласида барча эгатни суғориш кечаю - кундуз ($T=24$ соат) амалга оширилиши ҳисобга олинса, у ҳолда бир вақтда ишлайдиган эгатлар сони:

$$Q = q \cdot N \quad (22)$$

бу ерда, q – сув оқими.

Сувчининг меҳнат унумдорлиги қуйидагича ҳисобланади:

$$П = 3,6 \cdot q \cdot t \cdot K / m \quad (23)$$

бу ерда, t - суғориш давомийлиги;

t - суғориш меъёри,

Суғоришда қатнашадиган сувчилар сони

$$n = \omega / П \cdot t \quad (24)$$

бу ерда ω – суғориш майдони, га; t – суғориш давомийлиги, кун.

Суғориш техникаси элементларини илмий-тадқиқот муассасалари тавсиялари асосида қабул қилинади.

Эгатлаб суғоришнинг асосий камчиликлари: эгат узунлиги бўйлаб тупроқнинг нотекис намланиши, сувчилар иш унумдорлигининг пастлиги (сменада 0,4 - 1,0 га), кичик суғориш меъёрларини билан суғориш қийинлиги ва бошқалар [9].

Суғориш техникаси элементларини илмий-тадқиқот муассасалари қабул қилган тавсияларига биноан тупроқнинг сув ўтказувчанлиги бўйича эгат узунлиги ва суғориш эгатлари нишабларига боғлиқ равишда эгатдаги сув сарфи ҳам турлича бўлади.

Хулоса. Ер устидан эгат олиб суғоришда мавжуд технологиялар ва техник воситалар таҳлилини ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Эгатлаб суғориш учун техник воситалар, қурилмалар, технология ва конструкцияларнинг мураккаблиги, қўллаш шароитлари ва бошқарувчанлиги билан фарқ қилувчи ҳар хил турларга эга. Бироқ улар суғориш тартиби талабларига етарлича жавоб бермаслигининг асосий сабаби эгат узунлиги бўйича фаол қатламни бир хилда намлаш имконияти мавжуд эмаслигидир.

2. Сувни эгатлаб суғориш ўрганиш натижасида турли таклиф ва тавсиялар мавжуд. Кўрсатилган тавсияларнинг хилма-хиллиги суғориш техникаси элементларини ҳисоблашда сезиларли камчиликларга олиб келади, жумладан эгатни ювилишини олдини олиш ва экин учун керакли тупроқ намлигини текис таъминлаш учун рухсат этилган сув сарфини ҳисоблаш талаб қилинади.

3. Оқимнинг ҳаракатига қаршилик кўрсаткичи асосий бўлиб, доимий оқимда эгатга сув беришда эгатнинг гидравлик ҳисобини бажаришда ҳал қилиш талаб қилинади. Гидравлик қаршиликни аниқлаш усули ғадир - будирлик коэффициенти (π)га боғлиқ ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ -6024 сонли “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концессияси” фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПК-5005-сонли “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган СТРАТЕГИЯСИ” қарори.
3. Атажанов А.У. Суғориш эгатларининг тубини зичлаш қурилмаси. (Илмий ишланма-патент). IP CONSULTING CENTER. GUVONNOMA № 002635. 12.11.2020.
4. Мемиш Ю. С. Совершенствование полива сифонами. Мелиорация и водное хозяйство. 1988. №8. с. 35-37.
5. Атажанов А.У., Матякубов Б.Ш. “Совершенствование технологии, обеспечивающей равномерность увлажнения корнеобитаемого слоя почвы, орошаемой по бороздам” //Международная научно-практическая конференция «Вода для устойчивого развития Центральной Азии».23-24 марта 2018г. г. Душанбе, Таджикистан. стр. 237-241.

6. Терпигорев А. А. Технология и технические средства автоматизированного дискретного полива хлопчатника из лотковой сети: Автореф. дис. ... канд. техн. наук. –м 1989. 20 с.
7. Атажанов А.У. “Новая технология и техническое средство создания устойчивого профиля и проектного уклона поливных борозд”. Монография. Типография ТИИИМСХ. 2019 г. 126 стр.
8. Atajanov A.U. Sug'orish egatlarining turg'un profili va loyihaviy nishabini yaratuvchi texnologiya va texnik vosita. Монография. ТИКХММИ босмахонаси, 2021йил, 158 бет.
9. Хамидов М.Х. Сравнительное водопотребление и режим орошения хлопчатника, люцерны и кукурузы на луговых тяжелосуглинистых почвах Хорезмского оазиса: Дис.... канд. сел.-хоз. наук.-Ташкент: СоюзНИХИ, 1985. - 201 с.
10. Арэфьев В. А. Механизация импульсной водоподачи в борозды с различной шириной междурядий. - Мелиорация и водное хозяйство. 1988. № 8. с. 32-34.




УЎК: 631.675.2

Атажанов Адилжан
доцент, PhD.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухандислари институти”
Миллий тадқиқот университети
E-mail: a.atajanov@tiame.uz

СУҒОРИШ ЭГАТЛАРНИ ОЛИШДА ОҚИМНИНГ ГИДРАВЛИК ПАРАМЕТРЛАРИ ТАДҚИҚОТИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.000000>

АННОТАЦИЯ

Эгатлаб суғоришнинг асосий вазифаси далага суғориш меъёрини узатишдан иборат бўлиб, бу ерда ушбу меъёр суғориш майдони даласи бўйича текис тақсимланган бўлиши керак. Сув эгатнинг ҳисобланган узунлигига қанча тезроқ эришса, шунча текис намланиш таъминланади ва сувнинг самарасиз йўқотилишлари камаяди. Мазкур мақола сувнинг эгат охиригача тарқалиш жараёнининг дала ҳамда лаборатория тадқиқотлари масаласига бағишланган.

Калит сўзлар: лоток, гидравлика, зичлик, қатлам, лаборатория, майдон, нишаб, намланиш, суғориш, суғорма сув, технология, техник восита, тажриба, текислаш, кумок тупроқ, эгат.

Атажанов А. У.
доцент, PhD,

Национальный исследовательский университет
“Ташкентский институт инженеров ирригации
и механизации сельского хозяйства”
e-mail: a.atajanov@tiame.uz

ИССЛЕДОВАНИЕ ГИДРАВЛИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ПОТОКА ПРИ НАРЕЗКЕ ПОЛИВНЫХ БОРОЗД

АННОТАЦИЯ

Основной задачей полива по бороздам, является подача на участок поливной нормы, причём эта норма должна быть равномерно распределена по площади поливного участка. продолжительность впитывания воды в грунт будет не одинаковой как по длине борозды, так и по ширине участка, чем быстрее вода достигает расчётной длины борозды, тем обеспечивается более равномерное увлажнение и меньше непроизводительные потери воды. Данная работа посвящен вопросам полевых и лабораторных исследований процесса распространения воды до конца борозды.

Ключевые слова: лоток, гидравлика, плотность, слой, лаборатория, площадь, увлажнение, уклон, полив, поливная вода, технология, техническое средство, опыт, планировка, суглинок, борозда.

Atajanov A.U.

PhD, associate professor,
National Research University “Tashkent Institute
of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers”
e-mail: a.atajanov@tiame.uz

STUDY OF HYDRAULIC FLOW PARAMETERS WHEN CUTTING IRRIGATION FUROWS

ANNOTATION

The main task of furrow irrigation is to supply the irrigation rate to the plot, and this rate should be evenly distributed over the area of the irrigated plot. The duration of water absorption into the soil will not be the same both along the length of the furrow and along the width of the site, the faster the water reaches the estimated length of the furrow, the more uniform wetting and less unproductive water loss is provided. This work is devoted to the issues of field and laboratory studies of the process of water propagation to the end of the furrow.

Keywords: density, layer, area, moisture, slope, irrigation, irrigation water, technology, technical means, experience, layout, loam, furrow.

Кириш. Юртимизда суғориладиган майдонларни оёилана ишлатиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиоратив ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва энергетик ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш” бўйича вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан инновацион технологиялар ва техник воситаларни қўллаш орқали янги замонавий сувтежамкор технологияларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 -2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486 сонли “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сонли “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган СТРАТЕГИЯСИ” қароридан ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади [1, 2].

Тадқиқот методикаси. Гидравлика нуқтаи назаридан эгатлаб суғоришни ўзаро боғлиқ икки жараён сифатида тасаввур қилиш мумкин: эгатлар ўзани бўйлаб сувнинг тарқалиши ва ерга сувнинг сингиши. Эгатлаб суғоришнинг асосий вазифаси далага суғориш меъёрини узатишдан иборат бўлиб, бу ерда ушбу меъёр суғориш майдони даласи бўйича текис тақсимланган бўлиши керак. Эгатлаб суғориш шароитида барча суғориладиган майдон даласи бўйлаб намликни бир маромда таъминлаш деярли мумкин эмас, чунки тупроққа сувнинг шимилиш давомийлиги эгатнинг узунлиги бўйича ҳам даланинг кенглиги бўйича ҳам бир хил бўлмайди. Сув эгатнинг ҳисобланган узунлигига қанча тезроқ эришса, шунча текис намланиш таъминланади ва сувнинг самарасиз йўқотилишлари камаёди. Мазкур ишда сувнинг эгат охиригача тарқалиш жараёнини кўриб чиқилади (боши берк эгатлар) [4].

Суғоришнинг айнан ушбу босқичида, сувнинг етиб бориш вақтини камайтирган ҳолда суғориш сувининг сезиларли тежалишига эришиш мумкин. Суғориш меъёрига тўғри келадиган сув миқдори эгатнинг бутун узунлиги бўйлаб бир текисда шимилиши керак.


Юқоридагиларга асосланиб, узлуксиз сув узатишда суғориш қурилмасидан фойдаланган ҳолда эгат бўйлаб сув тақсимланиш жараёнини гидравлик ҳисоблаш усулини асослаб бериш мақсад қилиб қўйилди ва ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- узлуксиз сув узатиш вақтида эгат бўйлаб сув тақсимланиш жараёнининг қонуниятларини назарий ўрганишни бажариш;
- табиий шароитларда тажрибаларни ўтказиш усулини ўзлаштириш учун ювилиб кетмайдиган ва ювилиб кетадиган моделларда лаборатория тадқиқотларини ўтказиш;
- аниқловчи омилларга қараб эгат бўйлаб сувнинг тарқалиш жараёни бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек оқим ва ўзанинги асосий гидравлик параметрларини топиш: кўндаланг кесим майдони, намланган периметри, гидравлик радиуси, эквивалент ғадир-будирлик, вақт бўйича ўзгарувчи гидравлик ишқаланиш коэффициентини, жисмнинг оқим тезлиги ва сув оқими тезлиги;
- эгат бўйлаб тарқалган сув жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш, гидравлик ҳисоблаш бўйича тавсиялар бериш [6].

Лаборатория тадқиқотлари. Суғориш эгатлари гидравликсининг лаборатория текширувлари тўғри бурчакли кесимга эга бўлган махсус мўлжалланган кичик ойналанган гидравлик лотокда олиб борилди.

Қурилманинг (стенд) умумий узунлиги 10 м, лотокнинг ишчи узунлиги 8 м, кенглиги 1,5 м, ён девор баландлиги 1,1 м (1-расм). Қурилма (стенд) тупроқ билан тўлдирилган асосий идишдан иборат. Стенд корпусининг юқори қисмида ишчи жиҳоз ўрнатилган бўлиб, каток билан эгат олгич, ишчи жиҳозни бошқариш учун редуктор ва чиғирли двигателдан ташкил топган.

Сув насос ёрдамида умумий босимли ҳовуздан лотокка берилади. Бошида сув идишга тўрт бурчакли сув ўлчагичидан келиб тушади, бу ерда сув ўлчагич жойлашган. Керакли сув сарфи лотокдан ташқарида махсус сарф ўлчагич ёрдамида ўрнатилган, кейин сув лотокка келиб тушади. Бу эса олинган зичланмаган ва зичланган эгат моделлари устида тажрибалар ўтказиш имконини беради. Лотокнинг пастки қисмида филтрли қувурли дренаж мавжуд. Филтрловчи материаллар қатлами шағал ёки қумли майда тошдан ташкил топган. Лоток охирида талаб қилинган сатҳни сақлаб туриш учун зулфин билан жиҳозланган. Лоток охирида оқиб чиқаётган сарфни аниқлаш учун ўлчов қувури ўрнатилган. Стенд нишабликни ростлаш (ростловчи болт) учун оддий механизм билан жиҳозланган.



1- расм. Суғориш эгатлари гидравликсининг тадқиқоти учун ойналанган лаборатория стенд-лотоги:

1- тўғри бурчакли кесимдаги кичик ойналанган гидравлик лоток; 2 - эгат олгич; 3 - каток; 4 - ишчи жиҳозни бошқариш механизми (электр двигатель, редуктор, чиғир); 5 - нишабни бошқариш механизми; 6 - дренаж; 7 - сув идиши (бак); 8 - сув узатиш қувури; 9 - сув

ўлчагич; 10 - тортувчи сим арқон.

Лаборатория шароитида уч хил тупроқ шароитида тажриба ишлари олиб борилди. Биринчи тажрибада лоток енгил кумоқ билан тўлдирилган. Эгат махсус мослама билан олинган ва зичланган. Эгат тубининг берилган нишаблиги ростловчи болтлар билан лотокнинг нишаблигини ўзгартириш билан таъминланади. Узлуксиз сув узатишда тажрибалар ўтказилиб, табиий тадқиқотлар ўтказиш методикаси ўзлаштирилди. Тажрибалар қуйидаги кетма-кетликда ўтказилди. Эгатнини олингандан кейин эгатнинг туби бир вақтда зичланди. Кейин сув маълум сарф билан берилди.

Лаборатория тажрибаларида қуйидаги қийматлар ўлчанди: сув оқимининг ҳолати белгиланди, эгатни сув билан тўлдириш чуқурлиги, эгатдаги сув оқимининг ўртача тезлиги ҳамда бир текис оқимнинг нормал чуқурлиги, эгатларнинг чуқурлиги ва узунлиги бўйлаб тупроқ намлиги. Нормал чуқурлик қуйидагича аниқланди: лоток охирида жойлашган зулфин ёрдамида бир қатор сув кўтарилиши ва пасайиши эгри чизиқлари яратилди. А.П.Зегжданинг [23; 85-б.] тадқиқотларида бўлгани каби, бир маромда ҳаракатланиш талабига жавоб берадиган чуқурлик сифатида эркин сиртнинг пасайиш ҳолатидан кўтарилиш ҳолтидаги ўтиш нуқтасига мос келадиган чуқурлик сифатида қабул қилинди. Бир текис оқимнинг нормал чуқурлигига мос келадиган бу чуқурлик график усулда аниқланди. Барча тажрибалар учун гидравлик ишқаланиш коэффициентини λ_0 ва Рейнольдс сонини R_e аниқлаш қуйидаги боғлиқликлар бўйича амалга оширилди:

$$\lambda_0 = \frac{2 * g * R_0 * i_0}{v_0^2} \quad (1)$$

ва

$$R_e = \frac{v_0 * R_0}{\mu} \quad (2)$$

бу ерда R_0 – гидравлик радиус;

i_0 – эгатлар туби нишаби;

v_0 – оқимнинг ўртача тезлиги;

g – эркин тушиш тезланиши;

μ – ёпишқоқликнинг кинематик коэффициенти.

Шу тариқа аниқланган гидравлик ишқаланиш коэффициенти λ_0 - гидравлик ишқаланиш коэффициенти λ_3 билан таққосланиб, у квадратик қаршилиқ соҳаси учун А.П.Зегжда формуласи [9] бўйича R , k параметрларини аниқловчи мос қийматларда ҳисобланган:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda_3}} = 4 * \lg \frac{R}{k} + 4.25 \quad (3)$$

Бу ерда эквивалентли ғадир-будирлик k В.С.Кнороз тавсияномаси бўйича аниқланди [10]:

$$k = 0,785 * d^{0.75} \quad (4)$$

бу ерда d - кесакнинг ўртача диаметри, кесакларнинг гранулометриқ таркибининг эгри чизиғидан олинган 50 % ли таъминланганлик.

Эгри чизиқни қуриш учун ҳар бир бўлакнинг учта характерли ўлчамини (узунлиги l , кенлиги b , баландлиги h) ва ўртача қийматини бевосита ўлчаш йўли билан кесаклар ўлчами аниқланди:

$$d_{ep} = \frac{l+b+h}{3} \quad (5)$$

Шундай қилиб, юз ёки ундан ортиқ эгат узунлигининг бир метрида жойлашган кесаклар ўлчамлари аниқланди. Шундан сўнг маълум диаметрдаги кесакларнинг фоиз миқдорининг кесакларнинг умумий сонига нисбатан улуши қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$P_1 = \frac{n}{n_{обд}} * 100\% \quad (6)$$

бу ерда n - маълум диаметрдаги кесаклар сони;

$n_{обд}$ – кесакларнинг умумий сони.

Олинган натижалар асосида кесаклар гранулометриқ таркибининг эгри чизиғи қурилди

(2-расм). Сўнгра тупроқ лотокдан чиқарилиб, дастлабки намликкача қуритилди ва кейинги тажрибалар учун тайёрланди.

Эгатда содир бўладиган ўзандаги жараёнларга оид тажрибалар давомида кузатишлар куруқ эгатнинг кўзгалмас ўзанидан фойдаланиш имкониятини таклиф этди. Бунинг учун иккинчи қатор тажрибаларда чангсимон қумокни $d = 1/35$ см ўртача диаметрли ғадир-будирликдаги учбурчак кўндаланг кесимли ўзанга шағалнинг ювилмайдиган модели билан алмаштирилиб, бу ерда куруқ эгат кесаклари ўртача диаметрига тўғри келиши ёки куруқ эгатнинг эквивалент ғадир-будурлиги ювилмайдиган модел ғадир-будурлигига тахминан тенг бўлиши керак. Юқорида тасвирланган операциялар ҳам ювилмайдиган моделда амалга оширилди. Грунт билан ўтказилган тажрибаларда асосий параметрлар қуйидаги оралиқларда ўзгарди:

$$R_{e_0} = 1200 \dots 3200; F_{r_0} = 0,06 \dots 0,12; \lambda_0 = 0,0249 \dots 0,0346;$$

$$i_0 = 0,0249 \dots 0,0346; u_0 = 11,5 \dots 21,3 \frac{\text{см}}{\text{с}}; Q_0 = 0,3 \dots 1,0 \frac{\text{л}}{\text{с}};$$

$$\lambda_0 \lambda_3 = 0,81 \dots 0,907.$$

Ювилмайдиган моделдаги тажрибаларда яқин қийматлар олинди:

$$R_{e_0} = 1300 \dots 3700; F_{r_0} = 0,0329 \dots 0,137; \lambda_0 = 0,0252 \dots 0,0387; i_0 = 0,0005 \dots 0,002;$$


$$u_0 = 15,6 \dots 32,9 \text{ см/с}; Q_0 = 0,3 \dots 1,0 \text{ л/с}; \lambda_0/\lambda_3 = 0,85 \dots 0,965.$$

Ушбу икки қатор тажрибаларда эквивалентли ғадир-будирлик $k=0,983$ см.га тенг бўлди. Тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш натижасида суғориш эгатининг гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш учун қуйидаги боғлиқлик олинган (А. П. Зегжда формуласига аниқлик киритилган) бўлиб, олдиндан узлуксиз сув узатиш каби дискрет сув узатишда (биринчи тўлқин учун) суғориш эгатларининг гидравлик ишқаланиш коэффициентини аниқлаш мумкин:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda_3}} = 4 * \lg \frac{R}{k} + 4.61 \tag{7}$$

Тажриба натижалари бўйича боғлиқлик графиги қурилди

$$\lambda = f \left(R_e, \frac{R}{k} \right) \tag{8}$$



2-расм. $\lambda = f \left(R_e, \frac{R}{k} \right)$ боғлиқлик графиги
 — - тажриба нуқталари;
 ○ - Зегжда
 - П. бўйича нуқталарнинг жойлашуви.

Қуйидаги 3-расмда суғориш эгатлари гидравликасининг тадқиқоти олиб бориш учун тайёрланган ойналанган лаборатория стенд-лотогининг асл нусхаси келтириб ўтилган. Мазкур қурилма ёрдамида талаба ва магистрлар учун лаборатория тадқиқотлари олиб бориш йўлга қўйилган [3].



3- расм. Суғориш эгатлари гидравликасининг тадқиқоти учун ойналанган лаборатория стенд-лотогининг асл нусхаси.

Хулоса. 1. Эгатда сув тақсимоти жараёнининг қонуниятларини назарий ўрганиш; тажрибаларни табиий шароитда ўтказиш методикасини қайта ишлаш учун ювилмайдиган ва ювилайдиган моделларда лаборатория ишлари олиб борилди; аниқловчи омилларга боғлиқ равишда эгатда сув тақсимоти жараёни тажриба тадқиқотлари ўтказилди, оқим ва ўзанининг асосий гидравлик параметрлари аниқланди: кўндаланг кесим юзаси, намланганлик периметри, гидравлик радиус, эквивалентли ғадир-будирлик, вақт бўйича ўзгарувчи гидравлик ишқаланиш коэффициентлари, оқим тезлиги; эгатда сув тарқалишининг математик модели ишлаб чиқилди, гидравлик ҳисоблашга тавсия берилди.

2. Сувнинг оқими эгатлар охиригача бориш тезлиги ва вақти; эгатлар узунлиги бўйлаб тик тупроқ намлигининг эпюраси; эгатлар узунлиги бўйлаб тупроқ намлигининг бир хиллиги коэффициентлари; суғориш техникаси Ф.И.К. аниқланди; ғўза ўсиши ва ривожланишининг фенологик кузатишлари ўтказилди.

3. Лаборатория тажрибасида сув оқимининг ҳолати белгиланди, эгатни сув билан тўлдириш чуқурлиги, эгатдаги ўртача сув оқими тезлиги ва текис оқимнинг нормал чуқурлиги, эгатларнинг узунлиги ва чуқурлиги бўйлаб тупроқ намлиги каби катталиклар ўлчанди.

4. Дала тадқиқотида тупроқ, иқлим ва экинлардан фойдаланган ҳолда тажриба даласи танланди ва асосланди; барча жараёнларни кузатиб бориш учун дала тажрибасининг дастури ишлаб чиқилди; автоматик бошқариш тизимли эгат олувчи ва зичловчи агрегатга агротехник ва техник талаблар шакллантирилди; тажриба даласини суғориш самарадорлиги, унумдорлиги, суғориш режимлари ва суғориш техникасининг ФИК баҳоланди; технология асосида экинларнинг ривожланиш босқичларида суғориш технологияси суғориш эгатларининг лойиҳавий параметрлари технологияга мослиги ўрганилди ва асосланди.

Адабиётлар рўйхати


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ -6024 сонли “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концессияси” фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сонли “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган СТРАТЕГИЯСИ” қарори.
3. Атажанов А.У. Суғориш эгатлари гидравликасининг тадқиқоти учун ойналанган лаборатория стенд-лоток. (Илмий ишланма-патент). IP CONSULTING CENTER. GUVONNOMA № 002526. 16.10.2020.

4. Абдураупов Р.Р. Гидравлика поливного устройства и потока в бороздах при дискретной подаче воды: Дисс.канд.техн.наук. Ташкент. 2000. – 192 с
5. Атажанов А.У., Матякубов Б.Ш. “Совершенствование технологии, обеспечивающей равномерность увлажнения корнеобитаемого слоя почвы, орошаемой по бороздам” //Международная научно-практическая конференция «Вода для устойчивого развития Центральной Азии».23-24 марта 2018г. г. Душанбе, Таджикистан. стр. 237-241.
6. НТО по ҚХ-А-ҚХ-2018-529. О Т Ч Е Т по прикладному проекту на тему: «Разработка новой технологии и технических средств создания устойчивого профиля и проектного уклона борозд с целью рационального использования водных ресурсов» (2019г.).
7. Атажанов А.У. “Новая технология и техническое средство создания устойчивого профиля и проектного уклона поливных борозд”. Монография. Типография ТИИИМСХ. 2019 г. 126 стр.
8. Atajanov A.U. Sug’orish egatlarining turg’un profili va loyihaviy nishabini yaratuvchi texnologiya va texnik vosita. Монография. ТИҚХММИ босмахонаси, 2021йил, 158 бет.
9. Зегжда А. П. Гидравлические потери на трение в каналах и трубопроводах. – М. –Л.: Госстройиздат. 1957. 278 с.
10. Кнороз В. С. Неразмывающая скорость для несвязных грунтов и факторы, её определяющие. - Л. изв. ВНИИГ. 1958. т. 59. с. 62-81.



Нозима Норкузиева Собир кизи,
«ТИҚХММИ» МТУ, магистр
Эргашов Сайфулла Нурилло ўғли,
«ТИҚХММИ» МТУ, магистр
Сайдахматов Шерали Отамурод ўғли,
«ТИҚХММИ» МТУ, магистр
Мирхасилова Зулфия Кочкаровна,
«ТИҚХММИ» МТУ, PhD, доцент
Ахмедов Икромали,
ТТЕСИ, т.ф.н, доцент

ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ ИНШОТЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШДА МЕХНАТ МУХОФАЗАСИ ВА ХАВФСИЗЛИК

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.000000>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ирригация тизим иншоотлари хавсизлигини таъминлаш, иншоотлар билан содир бўлган авариялар ва шу иншоотларини иштиш жараенида меҳнат муҳофазаси масалалари келтирилган. Иншоотларни эксплуатация қилишда иш жараёнларининг хавфсизлиги ёритиб берилган

Калит сўзлар: ирригация, меҳнат, муҳофаза, авария, иншоот, сув

Нозима Норкузиева Собир кизи,
НИУ«ТИИИМСХ» магистр
Эргашов Сайфулла Нурилло ўғли,
НИУ«ТИИИМСХ», магистр
Сайдахматов Шерали Отамурод ўғли,
НИУ«ТИИИМСХ» МТУ, магистр
Мирхасилова Зулфия Кочкаровна,
НИУ«ТИИИМСХ», PhD, доцент
Ахмедов Икромали,
ТТЕСИ, к.т.н, доцент

ОХРАНА ТРУДА И БЕЗОПАСНОСТЬ ПРИ ЭКСПЛУАТАЦИИ СООРУЖЕНИЙ ИРРИГАЦИОННЫХ СИСТЕМ

АННОТАЦИЯ

В статье представлены вопросы обеспечения безопасности объектов ирригационных систем, аварий на объектах, охраны труда при эксплуатации этих объектов. Особое внимание уделено охране труда рабочих процессов при эксплуатации объектов.

Ключевые слова: орошение, труд, охрана, авария, сооружение, вода.

Nozima Norkuzieva,
 “TIAME” NRU master
Ergashov Saifulla,
 “TIAME” NRU, master
Saidakhmatov Sherali,
 “TIAME” NRU, master
Mirkhasilova Zulfiya,
 “TIAME” NRU, PhD, Associate Professor
Akhmedov Ikromali,
 TTESI, PhD., Associate Professor


HEALTH AND SAFETY DURING THE OPERATION OF IRRIGATION SYSTEM FACILITIES

ANNOTATION

The article presents the issues of ensuring the safety of irrigation system facilities, accidents at facilities, labor protection during the operation of these facilities. Particular attention is paid to the labor protection of work processes during the operation of facilities.

Key words: irrigation, labor, protection, accident, building, water.

Дунё аҳолисини озиқ-овқат хавфсизлиги барча мамлакатларнинг асосий муаммоси хисобланади. Шу мақсадда дунёнинг кўплаб мамлакатларида сув омбори қурилиши амалиёти маълум. Уларнинг тўғонлари эса асосан кўтармада ва турли хил тузилишларга эга. Улар ўз навбатида турли хил хавфни содир қилиб туради. Адабиётлардаги маълумотларга Гидроузелларнинг фалокатсиз ишлаши дунё гидротехник жамоатчилигининг доимо диққат марказида бўлиб келган. Дунёдаги 15 фоиз тўғонлар мустаҳкамлиги доимо шубҳа остида бўлиб келган. Ҳар йили ўртача 5 фоиз тўғонларда фалокатлар(авария) содир бўлган. Улардан кўплари Америка қўшма штатлари ва Хиндистонда бўлган. Авариялар натижасида инсонлар қурбон бўлиши ва катта миқдорда моддий зарарлар кузатилган. 1923 йили Италияда аркали Глено тўғони, баландлиги 75 метр аварияси натижасида катта миқдорда хўжалик зарари ва 500 дан ортиқ одамлар ўлими аниқланган. Зарар 500 млн гек билан баҳоланган. Шунга ўхшаш авария 1927 Америка қўшма штатларида содир бўлиб баландлиги 63 м Сент Френсис тўғони аварияси натижасида 400 дан ортиқ одамлар ўлган, 10 млн доллардан ошдиқ иқтисодий зарар келтирган. 1963 йили Италияда (Войонт тўғони) содир бўлган, авария натижасида 265,5 м баланд бўлган тўғон бузилган, тўғон устидан 40 млн. м³ сув ўтиб пастки қисмида баландлиги 20 м бўлган сув тўлкини содир бўлган.



1 Расм Тўғонлардаги аварияларни вақти бўйича ўзгариши

Натижада 4 та аҳоли пункти ювилиб кетган, 3 минг кишидан кўп аҳоли ўлган. 1976 йили Америка Қўшма Штатида содир бўлган Титон тўғони авариясида анчагина аҳоли йўқ бўлган. Юқоридагиларга ўхшаш тўғон аварияларида 1 миллиард доллар атрофида зарар кўрилган ва анчагина аҳоли йўқ бўлган. Юқоридагиларга ўхшаш тўғон авариялари дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган, натижада одамлар қурбон бўлиши ва ката миқдорда моддий зарар кўрилганлиги маълум. Бразилия, Покистон, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам юқоридагидек ҳолатлар кузатилган.

Ҳозирги вақтда республика ҳудудида 58 та сув омборидан фойдаланилмоқда. Уларнинг тўғонлари турлича баландликка эга Андижон ва Чорвоқ сув омборларининг тўғонлари баландлиги 100 метрдан ошиқ. Кўплаб тўғонларимиз грунтли тўғон билан қурилган. Булар ҳаммаси потенциал хавfli объектлар ҳисобланади. [1]

Юқоридагидек ҳолатлар Ўзбекистон ҳудудида ҳам кузатилди. Сирдарё вилояти ҳудудидаги Сардоба гидроиншооти (сув омбори)да тўғоннинг бузилиши сабабли рўй берган авария (2020й.01.05) Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ҳудудида одамлар қурбон бўлишига, аҳоли яшаш жойларининг вайрон бўлишига, минглаб гектар экин майдонларининг сув остида қолишига ва жуда катта миқдорда иқтисодий зарарга сабаб бўлди (2 расм).

Сув хўжалиги қурилиши алоҳида мураккаб тузилмали характерда бўлганлиги сабабли аксарият намунавий лойиҳалар асосида эмас аксинча бир марталик лойиҳалар асосида қурилади. Шунинг учун қурилиш ишлари таркибига кирган айрим ишлар қўл кучи билан бажарилади. Айрим ишлар: ер ишлари, тош, гидроизоляция, малярлик, пайвандлаш ва бошқа шу каби ишлар қўл кучи билан ҳам бажарилади. [3]



2 расм. Сардоба сув омбори авария ҳолати кўриниши ва сув босган ҳудудлардан лавҳалар

Ишловчиларнинг иш унумдорлиги, саломадлигининг сақланиши, иш қобилиятини сақланиши улар ишлаётган жойнинг иш шароитига боғлиқ. [4]

қуйидаги йўллар билан таъминланади:

1. Гидромелиоратив тизим иншоотларини лойиҳалашда хатоликка йўл қўймаслик;
2. Ишлаб чиқаришининг илғор технологияси ва техника хизмат қилишининг илғор усулларини қўллаш;
3. Ускуналарни рационал жойлаштириш;

4. Ишловчиларни касбий танлаш ва ўқитиш, уларга ҳимоя воситаларини қўллаш;
 5. Хавфсизлик талабларини технологик ҳужжатларга киритиш ва хавфсизлик талабларини назорат қилиш;

1-жадвал.

Иншоотларни эксплуатация қилишда ишлаб чиқариш жараёнларининг ХФХ бўйича таснифи

№	Ишлаб чиқариш жараёнлари номи	Ишлаб чиқариш хавфи	Ишлаб чиқариш зарари	Ёнғин хавфи
1	Иншоотларни тозалаш. а) механизавиялар билан тозалаш; б) қўл кучи билан тозалаш; в) кимёвий усул билан тозалаш	Грунтнинг нураши, механизмнинг ағдалиши ёки силтаниши. Сирпаниб кетиш, чанг, нафас олиш ва кўриниш ёмонлашиши, жароҳатланиш. Заҳарли моддаларнинг сачраб кетиши.	Шовқин, титраш, куёш нури радиацияси кучли таъсири. Заҳарланиш куйиш. Нафас йўллариининг касалланиши жароҳатланиш.	ЁММ

2-жадалнинг давоми

2	Тизим ва иншоотларда назорат ишларини олиб бориш	Чўкиш, синиш, бузилиш ва тушиб кетиш.	Куёш нури радиациясининг кучли таъсири.	
3	Сув ўлчаш ишини олиб бориш.	Сувга кулаш, оқиб кетиш жароҳатланиш.	Куёш нури радиациянинг кучли таъсири.	
4	Иншоотларни таъмирлаш.	Кучли шамол есиши, чанг, ёғингарчилиги бўлиши.	Юқори куёш радиация, нафас йўқлинининг касалланиши .	
5	Чиқинди ва оқизикларга тозалашларга.	Сувга кулаш, оқиб кетиш жароҳатланиш.	Куёш радиациясидан таъсирланиш.	
6	Электр энергиясидан фойдаланиш ва бошқалар.	Электр симларнинг очиқ бўлиши, симларга тегиб кетиши. Электрдан жароҳатланиш	Ҳаёт учун хавфли бўлган моддаларининг таъсири, касб касаллари.	

ГОСТ 12.2002-81 бўйича синов пайтида машина конструкцияларининг хавфсизлиги куйидаги усуллар билан аниқланади:

- химоя кабинасининг тўлалиги ҳамда каркасининг мустаҳкамлиги.
- иш жойига чиқиш ва ундан тушишнинг хавфсизлиги, техника қаровидан ўтказилиши, техника ва технологик камчиликларни тузатиш, машинанинги ишчи ҳолати ҳамда йўлдан ва йўл иншоотларининг ўтиш хавфсизликлари аниқланади.
- куннинг қоронғи вақтида бошқаришнинг қулайлиги ва хавфсизлиги аниқланади.
- Электр ва ёнғин хавфсизлиги аниқланади;
- Сигнал тизимлари ва асосий двигателлар ўт олов тизимларининг борлиги аниқланади;
- Машинанинги босим остида ва юқори генераторда ишловчи ташиб кирувчи қисмларининг хавфсизлигини таъминловчи воситаларнинг борлиги;
- Хавфли жойларда тушишларни бузиш
- Хавф хатарлар турлари;

Аниқланишича гидромелиоратив тизимда бажариладиган иш турларининг ўзи 100 дан ошиқ экан, ишлатиладиган машина-механизмлар 50га яқин экан. Бахтсиз ҳодисалар 70% атрофида машина-механизмларига боғлиқ равишда содир бўлар экан.

Хулоса. Аҳолининг ва ҳудудларнинг барқарор ҳаёт фаолияти хавфсизлиги гидромелиоратив тизим иншоотлари, хусусан «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги» тўғрисида қонун қабул қилинган (20.08.1999). Ушбу қонуннинг мақсади гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, ишга топшириш, эксплуатация қилиш, таъмирлаш, тиклаш ишларини бажаришдаги хавфларни олдини олиш, камайтириш, одамларни муҳофазалашдир.

Адабиётлар

1. И.Ахмедов. Ишлаб чиқариш жараёнларида хавфсизлик. Т.:2021й. 472 б.
2. И.Ахмедов. Сув хўжалиги қурилишини ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш. Т. 2010й. 325б.
3. . I. Akhmedov, Z Mirkhasilova, S. Usmanov On the Safety of Construction of Buildings and Structures in Difficult Soil Conditions European journal of life safety and stability (EJLSS)ISSN2660-9630 www.ejlss.indexedresearch.org Volume 18, 2022 ||
4. Z. Mirxasilova, Norqo'zieva. N, Ergashov S Safety Requirements for Use of Hydromelioration System. European multidisciplinary journal of modern science
5. <https://emjms.academicjournal.io/index.php/> Volume:6 (2022)
6. Z. Mirkhasilova, L.Irmuhamedova, S.Kasymbetova, G. Akhmedjanova M. Mirkhosilova Rational use of collector-drainage water 2020 IOP Conf. Ser.: Mater. Sci. Eng. 883 012092. CONMECHYDRO 2020
7. .Mirkhasilova Z.K. . Ways to improve the water availability of irrigated lands.European science review No. 7-8 2018 july-august.A, Washington. P. 13-15.
8. Z. Mirkhasilova, M. Yakubov, L.Irmuhamedova Irrigated of the cultivated area with groundwater from vertical drainage wells E3S Web of Conferences 264, 01015 (2021) CONMECHYDRO
9. З.К. Мирхасилова, Г. Ахмеджанова, Х. Якубова. Оценка использования подземных откачиваемых вод в Кувинском районе Ферганской области. Agro ilm 2020, 3(66), Тошкент. 58-62 б.
10. Якубов М.А., Якубов Х.И., Якубов Ш.Х. Коллекторно-дренажный сток Центральной Азии и оценка его использования на орошение. Монография. Ташкент: Из-во ИПТД «Узбекистан», 2011. 189 с.
11. Якубова Х.М., Усманов И.А. Оценка возможности повторного использования воды коллекторов для покрытия дефицита речных вод в среднем течении бассейна реки Сырдарья. Научно-практический журнал «Пути повышения эффективности орошаемого земледелия»: Выпуск №3(61)/2016. Новочеркасск. С.196-200. ISSN 2313-2248.
12. Kanwar I.S., Kanwar B.S. Quality of Irrigation Water. Frans. of 9th. Inf. Congr. Of Soil Sci. V.1., Adelaide, Australia, 1968. P. 21-23.
13. Kelley W. P. Alkaly soils, their formation, properties and reclamation. New York, 1951. P. 176.
14. Oster I.D., Halvorson A.D. In "Dry Landsalinescep Control". Proc. 11th. Inf. Cong. of Soil Sci. Edmonton, Canada, 1978. P: 27-29.
15. Szabolcs I. Salt- affected soils. Florida: CRC Press, 1989. -274p.
16. Wilcox L.V. Determination of the Guilty of irrigation Water Agr. Inf. Bull. 197, 1990.
17. Ахмедов И. О необходимости улучшения технических и технологических ресурсов водозаборных скважин при сельскохозяйственном производстве. Современное экологическое состояние природной среды и ноучно-практические аспекты рационального природопользования. IV Международная ноучно-практическая Интернет конференция. Россия с.Соленое Займище, 2019
18. Mirkhasilova Z. Ways to improve the water avilability of irrigated lands. European science review.№ 7 8 208 p. Austria-2018
19. И.Ахмедов, Мирхасилова З. Об улучшении водообеспеченности орошаемых территорий в условиях бассейна Сырдарья. ФГБНУ "Прикаспийский НИИ арибного земледелия". Современное экологическое состояние природной среды и ноучно-практичесие аспекты

- рационального природопользования. III-международная научно-практическая интернет конференция. Россия. 2018 г.
20. Ахмедов И. Мирхасилова З. Технические и технологические основы уменьшения опасности дефицита вод. Сельское хозяйство Узбекистана. Журнал “Агроилм”. 2017 г. №6(50). сс75-76.

АГРО ПРОЦЕССИНГ ЖУРНАЛИ

5 ЖИЛД, 2 СОН

ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ

ТОМ 5, НОМЕР 2

JOURNAL OF AGRO PROCESSING

VOLUME 5, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000